

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш Асака тумани бўлиминининг ҳаракатдаги Низомининг асосида иш юритувчи, бўлим мудирининг Н. Камолдинов бир томондан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи ва " **Maks stroy elit** " масъулияти чекланган жамияти Низомининг берилган ваколат асосида ҳаракат қилувчи раҳбари **А.Халилов** иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи, объектнинг фойдаланишига топшириш тўғрисида мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Атамалар

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги атамалар қўлланилади:

- Шартномада «ижро ҳужжатлари»: «лойиҳа-смета ҳужжатлари» (ЛСХ) қурилиш майдони; «вақтинчалик иншоотлар»: «беркирилган ишлар»: «шартнома нархининг бўлиб чиқиш», атамалари қўлланилган. Атамаларнинг изоҳи Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12-сентябрдаги 395-сонли қарорининг 3-иловадаги "Намунавий пудрат шартномаси"нинг 1-бандига асосан қўлланилган. Бундан ташқари: «**жорий молиялаштириш**»: шартномада белгиланган ишлар қийматининг, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда босқичма – босқич молиялаштириб бориш; «маблағ билан таъминловчи орган»: Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун буюртмачининг маблағ билан таъминловчи орган. Молия вазирлиги.

II. Шартнома мазмуни.

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, **Асака туманидаги 8-сон мактаб бино-иншоотларининг жорий таъмирлаш** объектининг фойдаланишига топшириш тўғрисида, қурилиш ишларининг амалдаги ШНК, КМК, СанПин ва ИКН 03-19 ларга амал қилган ҳолда бажариш мажбуриятининг олади. Буюртмачи эса қурилиш ишларининг бажарилиши учун ушбу шартнома шартларига мувофиқ, зарур шароитлар яратиш, ишларни қабул қилиш ва маблағ билан таъминловчи орган томонидан маблағ ажратилганидан сўнг белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш мажбуриятининг олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3.1. Мазкур шартнома бўйича, Тендер (танлов) савдоси натижасида аниқланган ва тендер (танлов) комиссиясининг қарори **02.06.2022й. (Лот рақами № 94857) даги баённома** билан тасдиқланган, Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати лойиҳа смета ҳужжатларига асосан ҚҚС билан **478.426.387,18 (тўрт юз етмиш саккиз миллион тўрт юз йигирма олти минг уч юз саксон етти) сўми**ни ташкил этади. шундан ҚҚС сўммаси **62 403 441 (Олтмиш икки миллион тўрт юз уч минг тўрт юз қирк бир) сўм**.

3.2. Ишлар қиймати ўзгармас ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳолларда нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин:

- енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачининг ёзма қўрсатмасига асосан ўзгартирилганда;

3.3.

Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- барча ишларни объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ, шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда, ўзининг қучлари ва ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига шартномада қўрсатилган муддатда топшириш;
- қурилиш майдонига "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилиш-монтаж ишларининг амалга оширишда қўлланиладиган материал-техник ресурсларнинг жорий нархлари Каталоги"га киритилган ва қўлланишга мослик сертификатига эга булган, зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларининг ёқиб олиш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Ёрдамчи пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида Буюртмачига ёзма равишда ахборот бериш;
- ЎзР.ВМнинг 20.12.1999 йил қўниги 532-сонли қарорига асосан, қурилиш таваккалчи-ликларни сугурта қилиш;
- шартнома бўйича объектнинг фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб, бир ой муддатда, қурилиш майдонининг ўзига тегишли қурилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- объектда қонунда белгиланган тартибда меҳнат ва хавфсизлик техникасининг таъминлаш;
- қурилиш майдонининг, ундаги қурилиш хом ашёлари, конструкциялар, асбоб-ускуналарнинг қўриқлигининг таъминлаш.
- Пудратчи ҳисобот ойининг **25** санасидан кечикмаган ҳолда Буюртмачига ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати бўйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, ҳисобот ҳужжатларининг (счёт-фактура) тақдим қилиши, бунда ҳисобот ҳужжатларига бажарилган ишлар, қўлланилган қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошқа керакли ҳужжатлар илова қилиниши; (**форма 2, форма 3, форма 5, биринчи шахс, ҳисобчи, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ва иш юритувчилар томонидан имзолаган ҳолда**)
- қурилиш-таъмирлаш ишларининг бажаришга киришишдан олдин, лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўрганиб чиқиш, лойиҳа-смета ҳужжатларда аниқланган нуқсонлар ҳақида Буюртмачининг, шунингдек, лойиҳачи ташкилотнинг ўз вақтида хабардор этиш;
- қурилиш-таъмирлаш ишларининг бажаришга киришишдан олдин, лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича объектда бажариладиган иш қисмларининг олдинги фотосуратларининг Буюртмачига тақдим қилиш;
- объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилгач, бажарилган ишлар тасвирининг қўрсатувчи фотосуратларни Буюртмачига тақдим қилиш.
- иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач белгиланган тартибда иншоотнинг фойдаланишга топшириш далолатномасининг расмийлаштириб, Буюртмачига ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш;
- иншоотда бажарилган ишлар тасвирининг қўрсатувчи фотосуратларни қурилиш ишлари тугаллангач Буюртмачига тақдим қилиш.

- ишюотда қурилиш-таъмирлаш ишлари яқунланган белгиланган тартибда ишюотни фойдаланишга топшириш даволатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига ҳужжат-лар тўпламини тақдим этиш;
- ишюотда бажарилган ишлар таъмирлаш кўрсаткичи фотосуратларни қурилиш ишлари тугалланган Буюртмачига тақдим қилиш.
- объектни қурилишда юзга келадиган муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳақида Буюртмачини дарҳол хабардор этиш;
- қурилиш даврида Буюртмачи ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан берилган тегишли кўрсатмаларни инобатга олган ҳолда, улар томонидан аниқланган камчиликларни ўз вақтида, сифатли бажариш;
- ишюотда қурилиш-таъмирлаш ишлари яқунланган тўлиқ расмийлаштирилган фойдаланишга қабул қилиш даволатномаси ва унга тегишли бўлган ҳужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этиш;

4.2. Пудратчи, Буюртмачи томонидан ўтказилган маблағларни тўғри сарфланиши бўйича (талаб қилинган ҳолларда) намунавий шаклдаги ахборотни бериб туриши;

4.3. Пудратчи қурилиш объектга ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчиларга фойдаланишлари учун берилишидан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

4.4. Пудратчи, шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари ёки ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши бўйича Буюртмачи олдида тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

4.5. Пудратчи, тендер (танлов) савдолари натижасида аниқланган пудрат ишлари ҳажмининг шартномада жорий ҳисобот йили учун белгиланган иш ҳажмлари доирасида бажаради ва белгиланган ҳажмдан (лимитдан) ортиқча иш ҳажмлари ва лойиҳа-смета ҳужжатларидан ташқари қўшимча иш ҳажмларини бажарилишига йўл қўймайди.

Шартнома шартларида белгиланган ишлар ҳажмидан ташқари қўшимча иш ҳажмлар бўйича илжот ва маҳаллий ҳокимликлар, ташкилотлар, фойдаланувчи ташкилотнинг юқори органи ёки маъсул шахслари томонидан берилган кўрсатма-ларга факат, бажариладиган қўшимча ишларни молиялаштириш манбаига аниқлик юритилиб, буюртмачи билан асосий шартномага қўшимча келишув расмийлаштирилгандан сўнг амалга оширилиши белгиланади.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддат ичида, ишларни бажариш учун объект лойиҳа-смета ҳужжатларини, арокли бўлган қурилиш майдонини қурилиш объектда ишлар тугаллангунга қадар бўлган даврга, даволатнома билан Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий назорат қилиши, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаши;
- молиялаштириш жадвалига ва шартнома шартларига асосан маблағ ажратилгандан сўнг пудратчига (бўнак) аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчидан объектда қўлланиладиган қурилиш материаллари, бутловчи буюмлар ва конструкцияларнинг қўлланишга мослик сертификатларига эга эканлиги тўғрисидаги ва ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи тўғрисидаги маълумотни талаб қилиш.

VI. Ишларни бажариш муддати.

6.1. Шартнома имзоланиб, газначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб томонлар учун кучга киради.

6.2. Тендер (танлов) савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти, ишлар бошланган кундан эътиборан кунни ташкил этади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

7.1. Буюртмачи, Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида бўнак (аванс) ҳисобидан, ажратилган маблағлари доирасида **143 537 916 (Бир юз кирк уч миллион беш юз ўттиз етти минг тўқсон юз ўн олти) сўм** молиялаштириб берилади.

7.2. Пудратчига бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш учун Буюртмачига, ишларни бажариш жадвали ҳамда қурилишга бюджетдан ёки бошқа молиялаштириш манбаидан маблағларнинг ажратилганлиги асос ҳисобланади.

7.3. Жорий молиялаштириш бўнак (аванс) маблағлари бажаришдан иш ҳажмига мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда, бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, ишлар ҳажмининг 100 фоизи доирасида (топирилган иш ҳажми сўммасидан олдин тўланган бўнак маблағи олиб қолиниб) маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, бу **478.426.387,18 (тўрт юз етмиш саккиз миллион тўрт юз йигирма олти минг уч юз саксон етти)сўмни** ташкил этади.

7.4. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар мулк ҳуқуқи Пудратчида бўлиб, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиш хавфи объект топширилгунга қадар Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.5. Шартномада кўзда тутилган, берилган

барча тўловлар республика, маҳаллий бюджет ёки объект учун назарда тутилган бошқа манбалардан маблағ ажратилгандан сўнг амалга оширилади. Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра молиялаштириш кечикканда, Буюртмачи жавобгар бўлиб ҳисобланмайди.

7.6. Тендер (танлов) нархидан ташқари, технология талаби ёки юқори ташкилотлар томонидан бериладиган ёзма топшириқ бўйича бажарилган қурилиш мўртаж ишлари қиймати учун, молиялаштирувчи орган томонидан маблағ ажратилгандан сўнг, тўлов амалга оширилади.

7.7. Маблағ тўланиши бўйича Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида низо келиб чиққан тақдирда, ушбу низога ижобий ҳал этилишини таъминлаш учун суд жарёнига маблағ билан таъминловчи органнинг жалб қилиниши таъминланади.

VIII. Ишларни бажариш.

8.1. Буюртмачи, қурилиш майдонига ўз вақтинчи-Техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунигадек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарини, шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор барча ишларни бажарилиши бўйича, шартноманинг бутун даври мобайнида тўсиксиз таъиниш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи, техник аудиторни ишларни учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонига ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи, ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи, объектда ишларни олиб бориш тартибини, давлат архитектура қурилиш назорат органлари билан келишади ва унга рўйхат этилиши учун кенун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонига умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектнинг (приватка юлиш учун) Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нукталарига, ливнейлар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тўғри белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган қолдиқ тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.9. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлаши схемаларини ва жалдвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига топширади.

8.10. Қурилиш майдонда ишларни бажариш даврида коммуникацияларни (электр энергияси, газ, телефон тармоғи, сув) вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади ҳамда жавобгарлик унинг зиммасида бўлади.

8.11. Пудратчи, ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини вафолатлайди.

8.12. Аллоҳқа берkitилган конструкциялар ва берkitилган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланганидан 2 кун олдин Пудратчи, Буюртмачини ва «Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекция»сини ёзма равишда хабардор қилади.

8.13. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи, лойиҳа ташкилоти ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни орадик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекция»сини билан келишган шартларида берkitиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.14. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб тугаллангунга қадар Пудратчи ишларни бажариш дафтариини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тавом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган симо-лар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдлариини қониқмасе, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларини уч кун муддатда бартараф этиш чора талбирлариини кўриш мажбу-р-ятини ўз зиммасига олади.

Пудратчи объектга ўрнатиладиган жиҳозларни, объектни фойдаланишга топшир-иш муддатиини камиде бир ой олдин объектга олиб келиши лозим.

Пудратчи объектга жиҳозларни Буюртмачининг розилик хати билан расмийлаш-тирилган ҳолда олиб келиши шарт.

Пудратчи объект жиҳозларини шартномада белгиланган муддатда олиб келиб ўрнатмаса, Буюртмачи Пудратчини огоҳлантириб, шартноманинги ушбу шартини бажаришини талаб қилиш ва муддат бериш ҳуқуқига эга. Бу муддат ўн кундан кам бўлмаслиги лозим.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтариига киритилган ёзма рухсатномасидан сўнг кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар берkitиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ берkitиладиган ишларнинг ис-талган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эси уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четта чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмағинлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи, Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишлар-нинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласе, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қиймагини ва муддатини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишининг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш аҳлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

IX. Ишларини қўриқлаш.

9.1. Пудратчи, иш бошлаганидан сўнг, қурилиш тугалланиб, объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олгунга қадар, четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудуди-даги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқлинишини таъминлайди.

9.2. Фойдаланишга қабул қилинган бино ва иншоотлар, уларга тегишли жиҳозлар, мол-мулклар фойдаланувчи ташкилот баландсига ўтказилгунга қадар пудратчининг зиммасида бўлади.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.

10.1. Шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч натижасида келиб чиқса бу ҳолатларда томонлар мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Тарафлар келишуви билан, форс-мажор ҳолати даврига мутаносиб равишда шартномага ўзгартиришлар киритиладилар.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келишса олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

11.1. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш, шартномада белгиланган тартибга мувофиқ барча мажбуриятларини томонлар бажарганларидан кейин, қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгилан-ган қоидаларга биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномасини Буюртмачи олган кундан бошлаб 10 кун мобайлида уни қабул қилишни амалга оширилади.

11.3. Пудратчи, қурилиш тўғалган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин, мажбур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига, белгиланган тартибдаги икки нусха икки хужжатларини, фойдаланувчи ташкилотларнинг қуриб битказилган (реконструкция қилинган) бинолар ва муҳандислик тармоқлари-нинг тайёрлиги тўғрисидаги ҳулосаларини, муҳандислик тармоқларининг синов далолатномаларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлайди.

11.4. Иншоотни фойдаланишга топшириш ва қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш Пудратчи томонидан амалга оширилади. Далолатномани ўз вақтида расмийлаштирмаганлик учун Пудратчи жавобгар ҳисобланади.

11.5. Давлат қабул комиссияси томонидан объектни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси тўлиқ расмийлаштирилиб, тасдиқланганидан сўнг объект қабул қилиб олинган ҳисобланади ва Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

12.1. Пудратчи қуйдагиларни кафолатлайди:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда, шартнома талаблари асосида ва белгиланган муддатларда бажаришни;
- барча ишларни, лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларга мувофиқ сифатли бажаришни;
- мажбур шартномага асосан бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳажми, етказиб келинадиган, қўлланиладиган қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар, жиҳозлар қийматидан келиб чиққан ҳолда тегишли солиқ органларига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси талаблари доирасида, белгиланган тартибда ҳисобот бериб бориш;
- қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини, қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкцияларнинг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда қўлланиладиган материал-техник ресурсларнинг жорий нархлари Каталоги"га киритилган ва қўлланишга мослик сертификатига эга бўлганлигини таъминлаш;
- объект қабул қилинганидан сўнг, ундан фойдаланишдаги кафолат муддати даврида, аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектда ўрнатилган муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини.

12.2. Объектда барча бажарилган ишлар, ундаги муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материалларнинг фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати, объект қабул қилиб олинганидан бошлаб камида ўн икки ой этиб белгиланади.

12.3. Агар, объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида, камчиликлар аниқланиб, у бартараф этилгунга қадар фойдаланишни имконини бермайдиган нуксонлари аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар ва камчиликлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Аниқланган камчиликлар Буюртмачи ва Пудратчини ваколатли шахслари томонидан расмийлаштирилади. Тарафнинг масала юзасидан таклиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ва унинг келмаслиги, бир тарафини камчиликлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, бошқа тарафдан ҳужжатли расмийлаштирган ишларни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи томонидан белгиланган берилади.

Агар, Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини талаб этилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мажбур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат сўммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ва камчиликларни бошқа пудратчи ёлаб бартараф этиш ҳуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нуксонлар ва чала ишларни расмийлаштирилишига қўлланганидан ёки тузилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан беш тўртаси, аниқланган камчиликларни текшириб чиқиб «Давлатархитектурақурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади.

XIII. Шартномани бекор қилиш

13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан қўра вақтга кечиктирилганда;
- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалдвалига риоя этилмай, ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қўзилганда;
- Пудратчи томонидан қурилиш ишлари шартнома шартлари, қурилиш меъёрлари ва қондаларига жавоб бермай, ишларнинг сифати ласайишига олиб келадиган даражада бажарилганида;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича ҳам шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Буюртмачи шартнома шартлари Пудратчи томонидан ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажарилмаган тақдирда, Пудратчига талабнома билан мурожаат этади. Пудратчи талабномани олган кундан бошлаб 10 кун ичида Буюртмачига жавоб хати ёзиши шарт. Пудратчи томонидан жавоб хати олинмаса ёки ишлар талабномада белгиланган муддатда бажарилмаса, Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор қилиш ва ишни бошқа Пудратчи оралиқ давом эттириш ҳуқуқига эга.

Шартнома бир томонлама бекор қилинганида, Пудратчи 3 кун муддат ичида барча бажарган ишларни ва қолдиқ ишларни бўйича Буюртмачи билан биргаликда Далолатнома расмийлаштириши ҳамда тегишли ҳужжат ва объектни топширишни бошлаши зарур. Пудратчини қайд этилган ҳужжатни расмийлаштирилиши бўйича таклиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ва Пудратчини келмаслиги, Буюртмачига қолдиқ ишлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, уни Пудратчидан талаб қилиш ҳуқуқини беради.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи, молиялаштиришни шартнома шартлари бўйича бажармаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинган тақдирда Пудратчи, Буюртмачини таклиф этиб, тўталанмаган қурилиш ишларини 3 кун муддатда Буюртмачига топширишни бошлаши зарур.

13.4. Шартнома бекор қилиниши билан айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Пудратчининг розилигини олган ҳолда Буюртмачи айрим ишларни бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларини тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексиди, Ўзбекистон Республикаси-нинг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.
- 14.2. Шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчиға кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,2 % миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий сўммаси кечиктирилган тўловнинг 50 % фойзидан ошмаслиги лозим.
- 14.3. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2% фойзи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50% фойзидан ошмаслиги лозим.
- 14.4. Пудратчи шартнома бўйича ишларни тўлиқ бажариб, аммо бажарилган ишларни Буюртмачига топшириш мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, ишхотни қабул қилиш-топшириш даволатномасини ўз вақтида расмийлаштирмаса, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, объект шартномавий жорий қийматининг 0,01% миқдориди пеня тўлайди, аммо пенянинг умумий сўммаси объектнинг шартномавий жорий қийматининг 15%дан ошмаслиги лозим.
- Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% миқдориди жарима тўлайди.
- Пеня тўлаш, Пудратчининг ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларини қоплашдан озоқ қилмайди.
- 14.5. Буюртмачи, ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш ҳолати юзга келса, бажарилган ишлар ҳисобидан Пудратчиға амалга оширилиши лозим бўлган 5 фойзли кафолат тўлови ҳисобидан ушлаб қолади.
- 14.6. Бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи «Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортин, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 50% миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.
- 14.7. Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида низо лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича келиб чиққанда низога ҳал этиш учун ишхотни лойиҳасини ишлаб чиққан таъкилот ишга жалб қилинади. Лойиҳа-смета ҳужжатларидаги аниқланган камчилик ва нуксонлар учун лойиҳа таъкилоти жавоб беради.
- 14.8. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня ёки жарима тўлаш томонларини ушбу мажбуриятларни бажаришдан озоқ қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.

- 15.1. Шартнома бўйича юзга келган низоли масалаларни тарифлар музокара йўли билан ҳал этилади. Агар низоли масала ўзаро ҳал этилмаганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туманлараро иқтисодий суди томонидан ҳал этилади.
- 15.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар бўйича Буюртмачига республика ёки маҳаллий бюджет томонидан маблағ ажратилмаган ёки маблағ кечиккан тақдирда Буюртмачи жавобгар ҳисобланмайди.

XVI. Алоҳида шартлар

- 16.1. Шартнома имзолангандан кейин, у тузилганга қадар шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олинган ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
- 16.2. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келаётган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартишлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаш керак. Ҳисобот йили якуни билан бажарилмаган (яқунлашмаган) юридик ва молиявий мажбуриятлар ижроси бўйича иккинчи йил учун томонлар ўртасида мазкур шартномага қўшимча келишув тузилиши, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, ижроси таъминлаши мумкин.
- 16.3. Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озоқ қилиш савасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
- 16.4. Шартномада назарда тутилмаган томонларнинг ҳуқуқ ва жавобгарлиги ҳолатлари юзасидан амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.
- 16.5. Томонлар юридик манзили, банк реквизитлари ўзгарган тақдирда бир-бирларини 3 кун муддат ичида хабардор қилишлари шарт бўлади. Аниқланган ҳолат бўйича томонлар ўртасида қўшимча келишув расмийлаштирилади. Тарафларнинг шартномаччи юридик манзилига ҳужжатлар буюртма ҳат орқали юборилган ҳолда, ҳужжатлар етказилган ва юборилган тараф томонидан олинган ҳисобланади.
- 16.6. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади ва тарафларда бир нусхадан сакланади ҳамда қонунчиликда белгиланган тегишли органларга ҳам тақдим этилади.
- 16.7. Шартнома тегишли ганизчилик бўлимлари томонидан рўйхатдан утгандан сунг 2022 йил 31 декабр куни охирига қадар амалда бўлади. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугатиш томонларини шартнома шартларини бажариш жавобгарлигидан озоқ қилмайди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари "БУЮРТМАЧИ" "ПУДРАТЧИ"

Асаа туман Халқ Тўлимин Булимин
ИНН: 200283141
Шхв: 401722860032247092100075001
МФО: 00033 Агробанк Асааа Булимин
Ўз.Рес.Молия вазирлиги Газначилиги
х/р: 23402000300100001010
МБ ХККМ Тошкент шаҳар
МФО: 00014 ИНН: 201122919

Раҳбар:  И. Камалидинов.

"Maks stroy elit" МЧЖ

Андижон шаҳар Колхозчи кўчаси 2 уй

Тел: 97)273-55-55

"Миллий банк" Андижон филиали

х/р: 20208000600212549001

МФО: 00074, ИНН: 302 586 740

ОКОНХ: 61110

Раҳбар:  А. Халилов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ VP04581064

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

Pudrat shartnomasi

Asaka tumani Xalk Ta’limi Bo’limi nomidan harakatdagi Nizomi asosida ish yurituvchi, bo’lim mudiri N.Kamoldinov bir tomondan, keyingi o’rinlarda «Buyurtmachi» deb yuritiluvchi va " **Maks stroy elit " mas’uliyati cheklangan jamiyati** Nizomida berilgan vakolat asosida harakat qiluvchi rahbari **A.Xalilovlar o’rtasida 478.426.387,18 (to’rt yuz yetmish sakkiz milion to’rt yuz yigirma olti ming uch yuz sakson yetti so’m 18 tiyin) so’mga tuzilgan pudrat shartnomasi.(lot № 94864 2.6.2022 yil)**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot

Asaka tuman xalq ta’limi bo’limi 6.06.2022 yilda ishlab chiqilib dasturga kiritilgan

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko’rsatish markazi
bosh yuriskonsulti**



B.Kimsanboyev

2022-yil 6 –iyun.